

Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

Термиз ш.

Шартнома 188-сон

2022 йил « 17 » январь

Сурхондарё вилоят Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Сурхондарё вилоят Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи подполковник А.А.УМАРОВ (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» Сурхондарё минтақавий филиали номидан Низом асосида фаолият юритувчи АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» Сурхондарё минтақавий филиали бошқарувчиси; Ж.Т.Қодирқулов.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Кўриқлаш бошқармаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» Сурхондарё минтақавий филиалига:
Миллий гвардияси Кўриқлаш хизмати учун тузилган икки томонлама шартнома:

Кўриқлаш хизмати Саф бўлинмаси томонидан; 1 (бир) ПОСТ 24 (йигирма тўрт)СОАТ;
“Бойсун” Банк хизматлари марказига Кўриқлаш Кузатув хизмати; 1 (бир) ПОСТ; 8 (саккиз) СОАТ; Иш кунлари ҳафтанинг Душанба, Сешанба, Чоршанба, Пайшанба ва Жума кунлари

(кўриқлаш турини кўрсатиш (Миллий гвардия, соқчилик, ҳарбий))

2. ТҚП хизмати: 1. Омборхона; 2. Кечки касса; 3. Периметр;

4. Банк кириш эшиги; 5. Махсус касса хизматлари-Ташвишгоҳ; 6. “Бойсун” банк хизматлари маркази -Ташвишгоҳ; 7. “Бойсун” банк хизматлари маркази-Периметр;
ҚЎС хизмати;

АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» Сурхондарё минтақавий филиали.

3. Манзил: Термиз шаҳар, “Ат-Термизий” кўчаси 11-уйда жойлашган.
(объектнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили)

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, кўриқлаш - кузатувга 3 (уч) иш кунни Миллий гвардияси хизмати кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати ойига **65 796 361 (Олтмиш беш миллион етти юз тўқсон олти минг уч юз олтмиш бир) сўм**, 12 ойга **789 556 332 (Етти юз саксон тўққиз миллион беш юз эллик олти минг уч юз ўттиз икки) сўм**;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, _____ кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади. Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцентсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш; Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

Мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20__ йил «__» _____ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан _____ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

Биода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида _____ кун олдин огоҳлантириш;

Объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектнинг кўриқлашга топширилганлиги ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

Объектнинг ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

Кўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментини, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

Махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

Кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш; кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

Мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектнинг ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

Кўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментини, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

Объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

Пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

Объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

Объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

Объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

Ёнгиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

Объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

Кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди: ижрочи шартномага кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

Қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар конун ҳужжатлари белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қондалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир. Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги тақлифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан ____ кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида ____ кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси
(тўлиқ номи)

Юридик манзили: Термиз ш. Нурафшон кўчаси
2-уй

Банк маълумотлари:

Ҳисоб рақам 21596000100472756001

МФО: 00024 Марказий банк ХКМ Термиз шаҳри

СТИР: 200474157

КТУТ: 97920

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси
бош. в. и. н. б. ш. л. қ. в. н. и. к.



А.А.Умаров

(имзо, муҳр)

Хуқуқшунос хулосаси:

Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларини ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва « Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида » ги Қонунининг моддаларига мос келади.

Юқорида кайд этилганларни инobatга олиб, барча шартлар бўйича келишувга эришилса, шартнома имзоланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Ўз.Рес.Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти
Қўриқлаш бошқармаси бош юристконсулт
лейтенант:

« 17 » январь 2022 йил

Буюртмачи
АТБ "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК"
Сурхондарё минтақавий филиали
(тўлиқ номи)

Юридик манзили: Термиз шаҳар:
"Ат-Термизий" кўчаси 11-уй.

Банк реквизитлари:

АТБ "Qishloq Qurilish Bank"
Surkhondaryo mintaqaviy fillali
Termiz sh. At-Termiziy ko'chasi-11 u
H/T: 16103000500000330001
СТИР: МФО: 00330 СТИР: 201677171
ИФУТ: ОКОНХ: 96120

АТБ "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК"
Сурхондарё минтақавий филиали
бошқарувчиси:



Ж.Т.Қодирқулов
(мансаби, Ф.И.Ш.)

(имзо, муҳр)



А.И.Ибрагимов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Сурхондарё вилоят Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи
подполковник



А.А.Умаров.

январь 2022 йил

« РОЗИМАН »

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
Сурхондарё минтақавий филиали
бошқарувчиси



Ж.Т.Қодиркулов

« 17 » январь 2022 йил

АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” СУРХОНДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

**ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
ИККИ ТОМОНЛАМА ТАСДИҚЛАНГАН ШАРТНОМАГА АСОСАН**

Манзил: Термиз шаҳар, “Ат-Термизий” кўчаси 11-уй.

Хизматлар тўлови смета-ҳисоби

Қўриқлаш тури	Постлар сони	Қўриқлаш вақти	Бир ойлик қўриқлаш вақти	Қўриқлаш хизмати нархи бир соатга	Бир ойда қўриқлаш хизмати учун тўланадиган пул
Қўриқлаш хизмати	1	24	730	58 304	42 561 920
Қўриқлаш Кузатув хизмати “Бойсун” банк хизматлари марказига	1	8	174	37 967	6 606 258
ЖАМИ	1	24/8	730/174	58 304/37 967	49 168 178

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029 сон Қарори ҳамда 17 августдаги "Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ва Молия Вазири томонидан тасдиқланган тарифга асосан, 2021 йил "01" сентябрдан ҳисоблансин.

Ўз.Рес.Миллий гвардияси Сурхондарё вилоят
Қўриқлаш бошқармаси МИБ бошлиғи
капитан:

Д.Б.Бабаева

КЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ БАҲАИЧА
 ШККИ ТОМОҶЛАМА ТАСДИҚЛАНГАН ШАРТНОМАГА АСОСАН
Хизматлар тўлови смета-хисоби (ПЕРЕЧЕНЬ)

Икки томонлама тузган 2022 йилнинг « 17 » январь кундаги № 188 - сонли кўриқлаш хизмати шартномасига кушимча ялова 2022 йил « 17 » январь кундан бошлаб

№/П	кўриқлаш объектларининг номлари	кўриқлаш тури	кўриқлашнинг техник воситаларини	кўриқлаш вақти			Йиллик кўриқлаш вақти	кўриқлаш нархи	
				Иш кунлари	Дам олинш ва байрам кунлари	Байрам оиди ва байрам кунлари		Бир соғатга	Бир ойда кўриқлаш хизмати
1	Омборхона.	ПКП		14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
2	Кечки касса.	ПКП		14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
3	Периметр.	ПКП		14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
4	Банк кириш эшиги.	ПКП		14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
5	Махсус касса хизматларига-Ташвишгоҳ.	ПКП		8	8	8	2 920	3 128	761 147
6	"Бонус" банк хизматлари марказига - Периметр.	ПКП		14	14	14	5 110	6 256	2 664 013
7	"Бонус" банк хизматлари марказига -Ташвишгоҳ.	ПКП		10	10	10	3 650	3 128	951 433
	Объектларда ўрнатилган КЭС	54 КЭС						29 547	1 595 538
	жами								16 628 183

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ШК-5029 сон Қарори ҳамда 17 августдаги "Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги 11ф-6279-сон Фармони ижросини таъминловчи мақсадда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонли ва Чоғли Вазири томонидан тасдиқланган тарифга асосан, 2021 йил "01" сентябрьдан ҳисоблансин.



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошқаруви подполковник:

« 17 » январь 2022 йил

А.А.Умаров



АТБ ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК СУРХОНДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ бошқарувчиси

Ж.Т.Қодирқулов

« 17 » январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси МИБ бошлиғи қанитан:



Д.Б.Бабаева.

« 17 » январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилоят Қўриқлаш бошқармаси АК ва КТ ЖКБ бошлиғи қанитан:



С.А.Тошмуратов

« 17 » январь 2022 йил